

МАИШИЙ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНГ!

Сир эмас, сўнгги вақтларда газдан фойдаланиш жараёнида юз бераётган фожеалар ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўплаб хабарлар тарқалмоқда. Бундай ҳодисалар, асосан, фойдаланувчиларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслиги, безътиборлиги оқибатида содир бўлмоқда.

Газдан фойдаланиш қоидалари ва талабларини сўзсиз бажариш эҳтимолий ҳалокатларнинг олдини олиши шубҳасиз.

Шунинг учун қуйида аҳоли турар жойларида суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланишда белгиланган қоидалар билан таништирамиз.

-газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига асосан, газ баллонини ўрнатиш учун лойиҳа ишлаб чиқилади ва жойлардаги газ идоралари билан келишилади. Шундан сўнг ишлатишга рухсат берилади. Агар лойиҳа бўлмаса, газ баллонидан фойдаланиш тақиқланади.

-битта хонадонда 2 тадан ортиқ газ баллони сақлаш ва ишлатиш мумкин эмас;

-газ плитаси эшик, дераза ва электр розеткадан 0,5 метр масофада ўрнатилиши лозим;

-газ плитаси ўрнатилган хонада фақат бир дона газ баллонидан фойдаланиш ва сақлашга рухсат этилади;

-бунда хона ичидаги ҳарорат +45 даражадан ошмаслиги, газ баллони газ плитасидан камида 1 метр, иситиш радиаторлари ёки печкалардан камида 2 метр узоқликда ва махсус темир шкафларда ўрнатилиши лозим;

-суюлтирилган газлар хусусиятига кўра ҳаводан оғир бўлганлиги ва газ сизиб чиққанда чуқурликда тўпланиши эътиборга олиниб, газ баллонлари 1-қаватда жойлашган эшик ва деразалардан ярим метр, ертўла шаклидаги қаватларнинг эшик ва деразаларидан ҳамда канализация люклари ва чуқурликлардан камида 3 метр узоқликда жойлаштирилиши шарт;

-газ баллонларида ишлатиладиган резина шланглар давлат стандартлари талабига жавоб бериши лозим. Яъни уларнинг таркиби уч қисмдан иборат – ичи резина, ўртаси ип матоли ва усти резинали бўлиши керак. У узунлиги 10 метрдан ошмаган, бўлақларга бўлинмаган ҳолда устки қисми шикастланмаган бўлгандагина ишлатилади. Шлангларни эшик, дераза пойидан ва деворлар орасидан ўтказиш тақиқланади. Уланадиган жойлари эса сим билан эмас, балки хомутлар билан маҳкамланиши шарт;

-олов ёрдамида газ сизиш жойларини аниқлаш мумкин эмас;

-кўп қаватли биноларда, ертўла, кириш йўлаклари, яшаш хоналарида (фақат икки қаватли 4 хонали хонадонлардан ташқари) суюлтирилган газ баллонларини сақлаш ва ўрнатиш тақиқланади;

-суюлтирилган газ билан тўлдирилган баллонларнинг тепа қисмида тамғалаш йўли билан уни ишлаб чиқарган корхонанинг белгиси, баллоннинг рақами, бўш баллоннинг ҳақиқий оғирлиги, ишлаб чиқилган ва қайта синовдан ўтказиш муддати (кун, ой, йил), ишчи босими (МПа), синовдан ўтказиш гидравлик босими (МПа), баллоннинг сифими (литр), техник назорат бўлимининг алоҳида тамғаси, сифими 55 литрдан кўп бўлган баллонларда стандарт рақамлари бўлиши шарт.

Фойдаланаётган газ баллонларингизда ушбу кўрсаткичлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, синаш муддати ўтиб кетган бўлса (беш йил) ва бошқа камчиликлар аниқланганда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Уй шароитида газ баллонларини таъмирлаш, пайвандлаш ва бошқа турдаги техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш қатъиян ман этилади. Газ баллонларидан фақатгина белгиланган мақсадларда фойдаланиш, уларга талабга жавоб бермайдиган улаш мосламаларини ўрнатиш, резина шланглардан фойдаланиш тақиқланади.

Ҳовлида ёки хонада ўрнатилган газ баллонларида босимни пасайтириш мосламаси (редуктор)

мавжуд бўлиши шарт ва газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари талаблари асосида ўрнатилиб, сақланиши лозим.

Газ баллонларини асосий ва қўшимча кириш-чиқиш йўлаклари ҳамда автомобиль ўтиш жойлари олдида сақлаш асло мумкин эмас. Қуёш нури тушадиган жойларда турган газ баллонларининг усти соябон ёки бостирма билан ёпилиши шарт.

Газ баллонларини суюлтирилган газ билан белгиланмаган жойда тўлдириш қатъиян ман этилади.

“Худудгаз Фарғона”

МЧЖ Матбуот хизмати.

2020-02-12 09:11:18